

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

486 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси тарки-
бини тасдиқлаш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 7 августдаги ПҚ–1798-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2012 йил 7 августдаги ПҚ–1799-сон қарорлари)» 2012 йил 6 сентябрдаги 261-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 113-модда) билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 8-бандининг олтинчи хатбошидаги «миқдори тўғрисидаги банк маълумотномаси» сўзлари «миқдорини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

* Илова берилмайди.

41-42 (541-542)-сон

— 43 —

486-модда

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 18 октябрь,
299-сон